



**ТЕЛЕФОН доверия
ИШОНЧ телефони
0 (374) 225-80-00**

Андижон вилояти ҳокимлиги

РЕГЛАМЕНТ

" ИШОНЧ ТЕЛЕФОНИ " хизмати регламенти

" УТВЕРЖДАЮ "
Заместитель хокима
Андижанской области



Ш.Шералиев
06 2016 год
№ 08/49-194

1. Хизмат (паспорт) тури

1.1. Хизмат номи

Фуқаро мурожаатларини Андижон вилояти ҳокимлигининг «Ишонч телефони» хизмати орқали қабул қилиш.

1.2. Хизмат натижаси

Фуқаролардан қабул қилинган мурожаатларни Андижон вилояти ҳокимлиги томонидан кўриб чиқиши.

1.3. Хизмат кўрсатувчи ташкилот ва бланк олиш жойи

Андижон вилояти ҳокимияти.

170131, Андижон шаҳари, Алишер Навоий шох кўчаси 239 уй

1.4. Норматив ҳужжат

Ўзбекистон Республикаси "Фуқаролар мурожаатлари тўғрисида" ги Қонуни.

1.5. Хизматдан фойдаланувчилар

Юридик ва жисмоний шахс - Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ҳамда чет эл давлати фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар.

1.6. Мурожаатларни қабул қилиш

Душанба кунидан жума кунигача **24 соат** (круглосуточно)

1.7. Ижро муддати

Ўзбекистон Республикаси "Фуқаролар мурожаатлари тўғрисида" ги Қонунда белгиланган тартибда кўриб чиқилади. (3-15 кунгача)

2. Хизматдан фойдаланиш маълумотлари

2.1. Умумий маълумот

Фуқаролар учун «Ишонч телефони» телефон рақамлари ҳақидаги маълумотлар Андижон вилояти ҳокимлигининг расмий www.andijan.uz веб порталида жойлаштирилган.

2.2. Мурожаат ҳақида маълумот олиш

Хизмат кўнғироқ қилиш орқали амалга оширилади.

2.3. Хизмат кўрсатиш жойи ҳақида маълумот

170131, Андижон шаҳари, Алишер Навоий шох кўчаси 239 уй.

2.4. Фойдаланиладиган бланк (форма) ҳужжатлар

Фуқароларнинг "Ишонч телефони" орқали тушган мурожаатларни вилоят ҳокимлигининг рўйхатга олиш дафтарида рўйхатга киритилади.

3. Хизмат кўрсатиш

3.1. Иш вақти

Мурожаатларни қабул қилиш душанба кунидан жума кунигача 24 соат ичида олиб борилади.

3.2. Условия ождания

Телефон кўнғироғи орқали хизмат кўрсатиш белгиланган тартибда олиб борилади.

4. Хизмат фаолияти олиб борилиши

4.1. Зарур ҳужжатлар

"Ишонч телефони" орқали мурожаат қилишда фуқаролар фамилияси, исми, отасининг исмини, яшаш жойи тўғрисидаги маълумотларни ҳамда мурожаатнинг моҳияти ва мазмунини баён қилиши шарт.

Фамилия (исми, отасининг исми), яшаш жойи тўғрисидаги маълумотлар мурожаатда кўрсатилмаган бўлса ёки ёлғон маълумотлар тақдим этилган бўлган тақдирда ушбу мурожаат аноним ҳисобланади ва кўриб чиқилмайди.

4.2. Хизмат учун тўлов

Хизмат бепул амалга оширилади.

4.3. Давлат хизмат кўрсатиш босқичи

Ишонч телефони орқали хизмат кўрсатиш фуқаролар мурожаати қонуни талаблари асосида амалга оширилади.

4.4. Давлат хизмати орқали келаётган мурождатларни кўриб чиқиш тартиби

«Ишонч телефони» Андижон вилояти ҳокимлигининг "Қабулхонаси"да ташкил этилган. "Ишонч телефони" орқали тушаётган мурождатларни қабул қилиш вилоят ҳокимининг ёрдамчиси томонидан амалга оширилади ҳамда мурождатлар умумлаштирилади ва рўйхатга олиш журналига рўйхатга олинади, шундан сўнг тегишли маълумотларни мурождатни кўриб чиқиш учун вилоят ҳокимига киритилади. Мурождатнинг моҳияти ва мазмуни ҳамда манзили ҳақидаги маълумотлар аниқ кўрсатилиши шарт.

Андижон вилояти ҳокимлигига келиб тушган фуқаро мурождатлари вилоят ҳокимлигида масалага тааллуқли ҳодимлар томонидан кўриб чиқилади.

Зарур ҳолларда мурождатда кўрсатилган ҳолат бўйича Андижон вилояти ҳокимлигининг масъул ҳодими томонидан жойнинг ўзига чиқиб ўрганилиши мумкин.

Айрим ҳолларда мурождатчининг иштирокисиз мурождатни кўриб чиқиш имкони бўлмаган тақдирда вилояти ҳокимлигининг масъул ҳодими томонидан фуқарони жалб этган ҳолда ўрганилиши мумкин.

Фуқаро мурождати бўйича жавоб хатига мурождатни кўриб чиққан ҳокимлик ёки Андижон вилояти ҳокимлигининг масъул ҳодими томонидан имзоланади.

4.5. Рад этиш сабаблари

Ноқонуний хатти-ҳаракатлар юзасидан ёки ушбу фуқаро мурождати юзасидан қарор қабул қилинган ҳамда кўриб чиқилиши ҳокимлик ваколатига кирмайдиган мурождатлар рад этилиши мумкин.

5. Таъминлаш сифатлилиги

5.1. Сифат ўлчови

Хизмат тақдим этилганлигини сифатли баҳолашнинг паст кўрсаткичи мурождатнинг такрорийлигидан аниқланади.

5.2. Сифатсиз хизмат бўйича шикоят

Фуқаролар ўзларининг мурождатларини қабул қилиш ва кўриб чиқиш асоссиз рад этилиши устидан бўйсунув тартибида юқори органга шикоят қилишга ҳақдирлар.

Масъул шахс: Юлдашев Хошимжон Хошимович

Тел: 0 (374) **225-80-00** e-mail: ishonch@andijan.uz

Веб-сайт: <http://www.andijan.uz>